



ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ҳузурида 2022 йил учун солиқ тушумлари ҳамда бюджет параметрлари юзасидан йиғилиш ўтказилди.

Давлат раҳбари мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамлар ҳаётини яхшилаш бош мақсад этиб белгилангани, бу тамойиллар бюджетни шакллантиришда ҳам бош мезон бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Шу боис, келгуси йилга мўлжалланган давлат бюджети лойиҳасида, аввало, ижтимоий йўналишларга катта эътибор қаратилган. Хусусан, таълим ва тиббиёт тизимида 58 триллион сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Президентимиз бу маблагга қўшимча тарзда яна 12 триллион сўм ажратиш таклифини билдирди. Чунки ҳудудлардаги эҳтиёж ва аҳоли талабидан келиб чиқиб, келгуси йилда 55 та янги дастур амалга оширилиши белгиланган.

Жумладан, чекка жойларда 1 минг 600 та болалар боғчаси ташкил этиш, Миллий таълим дастури доирасида 40 та янги мактаб қуриш ва 235 тасини таъмирлаш,

дарсликларни янгилаш ҳамда компьютер синфлари очиш каби кўплаб чора-тадбирлар мўлжалланган.

Олий таълим тизимида ҳам ва-зифалар кўп. Хусусан, бакалавр йўналишида давлат грантлари, магистратура ва докторантурага қабуллар сонини ошириш, давлат-хусусий шериклик асосида ётоқхоналар қуришга субсидия бериш ҳамда 80 мингдан ортиқ талабалар ижара харажатларининг бир қисmini қоплаш кўзда тутилган.

Тиббиётнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш ҳамда ҳудудларда юқори технологик тиббий хизматларни жорий этишга келгуси йилда жами 8 триллион сўм ажратилиши мўлжалланмоқда. Шундан 1 триллион сўми онкогематология, эндо-кринология, буйрак ва жигарни кўчириш каби дастурларга йўналтирилади. Коронавирусга қарши эмланганлар сонини 17 миллион нафарга етказиш, эҳтиёжманд

аҳолига ихтисослашган тиббий хизматлар учун ҳам зарур маблаг ажратилади.

Президентимиз муаллим ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақини босқичма-босқич ошириш зарурлигини таъкидлаб, бунинг учун қўшимча маблаг йўналтиришни таклиф қилди.

Давлат бюджети лойиҳасида ҳудудлар инфратузилмасини яхшилаш масалаларига ҳам кенг ўрин берилган. Уй-жойлар ва ижтимоий объектлар қуриш, маҳаллаларни обод этиш чора-тадбирлари учун 26 триллион сўм ажратилиши режалаштирилган.

— Бу соҳаларга шу кунгача бундай катта маблаг берилмаган. Энди буни тартибли, самарали тарзда жой-жойига етказиш керак. Шунинг учун ҳар бир дастур бўйича ажратиладиган маблағларни мақсадли кўрсаткичлар билан боғлаган ҳолда, электрон назорат тизimini жорий этиш лозим, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бюджет тизимида молиявий назоратни кучайтириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Бунинг учун “темир интизом” билан, давлат харидлари тизимида ошқораликни кучайтириш зарурлиги қайд этилди.

Молия вазирлигига келгуси йил 1 январдан тендерларни инсон омилсиз ўтказиш тизimini жорий қилиш вазифаси қўйилди. Шунингдек, барча бюджет ташкилотлари бухгалтериясини тўлиқ рақамлаштириш, давлат харидлари бўйича ҳисоб-китобларни электрон ҳисоб-фактура орқали амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Давлатимиз раҳбари бюджет лойиҳасини маҳаллий кенгашлар, тадбиркорлар ва аҳоли билан муҳокама қилиш, уларнинг таклифларини Олий Мажлисга муҳокамага киритиш лозимлигини таъкидлади.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан мутасаддилар ахборот берди.

ЎЗА

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг халқаро талабларига эътибор қаратадиган бўлсак, деярли барча ҳужжатда уларга жамиятда тенг имкониятлар яратилишига, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқларининг таъминланишига, гендер тамойиллари орқали фаоллигини ошириб боришга йўналтирилган талаблар ўз аксини топганлигини кузатишимиз мумкин.

ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ КЎМАК



Ҳаким йўдошев олган сурат.

1995 йилдаги Пекин декларацияси ва Ҳаракатлар платформаси 1995 йил 4-15 сентябрь кунлари ХХР пойтахтида бўлиб ўтган Хотин-қизлар ҳолати бўйича тўртинчи Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган. Унда давлатлар томонидан хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш бўйича мажбуриятлар шакллантирилган.

Бугун Пекин Ҳаракатлар платформаси гендер тенгликка эришишга ва хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтиришга қаратилган сиёсатнинг олтин стандарти ҳисобланади. Унда қатъий чоралар кўриш зарур бўлган 12 та муҳим йўналиш белгиланган. Мамлакатимизда мазкур йўналишларнинг ҳар бири юзасидан чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Миллий қонунчилигимизда ҳам хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда уларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенглигини таъминлаш ҳамда ижтимоий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишлар долзарб аҳамият касб этади.

Тадбиркорлик кўникмаларига ўқитиш давлат томонидан қўллаб-қувватланади

2021 йил 20 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат маблағлари ҳисобидан банд бўлмаган аҳолига берилаётган субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга асосан, 2021 йил 1 майдан бошлаб туман (шаҳар)ларда тажриба-синов тарикасида давлат маблағлари ҳисобидан субсидия, грант, нафақа ва бошқа тўловлар ажратилган банд бўлмаган аҳоли, шу жумладан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган шундай тоифадаги фуқаролар билан маҳаллий меҳнат органлари (аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказлари) ўртасида ажратилаётган маблағларнинг мақсадли ишлатилиши ва бу борада тарафларнинг масъулиятини белгилловчи ижтимоий шартнома тузиш амалиёти жорий этилган эди.

Давоми 5-бетда

НУҚТАИ НАЗАР

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ

МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ВА УМУМЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН ХАЛҚАРО МЕЗОНЛАРГА ТЎЛА МОС ҲОЛДА ЎТДИ

Мамлакатимизда бўлиб ўтган Президент сайлови очиқ-ошқора, ўзро рақобат шароитида, миллий қонунчилик ва халқаро стандартлар асосида ўтказилгани эътироф этилмоқда. Дарҳақиқат, халқ тақдирини ҳал этувчи муҳим сиёсий жараёнда ватандошларимиз сайлаш ҳуқуқидан самарали фойдаланди. Сайловда сайловчилар рўйхатида киритилган 20 миллион 158 минг 907 нафар сайловчиларнинг 80,4 фоизи, яъни 16 миллион 212 минг 343 нафари иштирок этди.

Давоми 4-бетда

ЖАРАЁН

Куни кеча Андижон вилоятининг Хўжаобод, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ, Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманларида ва Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида синов тарикасида аҳолини рўйхатга олиш ишлари бошланди.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

мамлакатимизда бу амалиёт синов тарикасида тўртта ҳудудда ўтказилаяпти

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси раиси Баҳодир БЕҒАЛОВ билан суҳбатда асосий эътибор ушбу тадбирни ўтказиш-

нинг мақсад-моҳияти, ҳуқуқий асослари, тўпланган маълумотларнинг аҳамиятли жиҳатларига қаратилди.

Давоми 5-бетда

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТимоий-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Тарихий ҳужжатнинг тарихий аҳамияти

Жамиятимизда кечаётган изчил ислохотларнинг самарадорлиги, энг аввало, бевосита давлат ҳокимиятининг барча бўғинида ижро интизомининг қай даражада йўлга қўйилганига боғлиқ. Ўз навбатида, ижро интизоми раҳбарнинг шахсий масъулияти, жамоадаги ички муҳит, иш тақсмоти, назорат, рағбатлантириш (ёхуд интизомий чора қуриш) каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган жиҳатларни қамраб олади.

Айни вақтда Ҳангарон туманида барча соҳаларда кескин ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда.

Ушбу ислохотлар Ўзбекистон Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “2021-2022 йилларда Тошкент вилоятининг Ҳангарон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида кечаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мазкур қарор чин маънода Ҳангаронликлар учун тарихий аҳамиятга эга ҳужжат, десак муболага бўлмайди.

Сабоби, биринчидан, ушбу ҳужжат алоҳида маъмурий-ҳудудий бирлик сифатида қайта ташкил этилган Ҳангарон туманининг ўз маъмурий марказини белгилаб берган бўлса, иккинчидан, туманда 2021-2022 йилларда барча жаҳонларда бажарилиши лозим бўлган ишларнинг мустахкам ҳуқуқий асоси ўлароқ хизмат қилмоқда.

Қарорда туманда умумий қиймати 11,5 триллион сўмга тенг бўлган 527 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган. Мазкур лойиҳалар ишга туширилиши бево-сита туманда ижро интизомининг қай даражада ташкил этилишига ҳамда юқори ташкилотлар томонидан қарор ижросининг мунтазам назорат қилиб борилишига узвий боғлиқдир.



Бу борада Президентимизнинг 2021 йил 10 февралдаги “Қонунчилик ҳужжатлари ижросини самарали ташкил этишда давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони барча бўғиндаги раҳбар ходимлар учун дастуриламал бўлмоқда.

Чунки мазкур фармонда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонунлар, Президентнинг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг амалга оширилиши бўйича назорат ва ҳисобдорликни ташкил

этиш тартиби аниқ муддатлари билан белгилаб берилган.

Фармоннинг узвий давоми сифатида давлатимиз раҳбари томонидан жорий йил 31 майда имзоланган “Ifgo.gov.uz” ижро интизومي идоралараро ягона электрон тизими самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори топшириқлар ижросини назорат қилишнинг юқоридан қуйи бўғингача бўлган мутлақо янги тизими шаклланишини таъминлаб берди.

Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ТУРИЗМ, МАДАНИЙ МЕРОС ВА МУЗЕЙШУНОСЛИК СОҲАЛАРИДА МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ УЗЛУКСИЗ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Туризмни ривожлантириш институти, Маданий мерос техникумлари, Андижон, Зомин ва Бўстонлик туризм ва сервис коллежлари ҳамда Тошкент туризм ва бизнес коллежини Туризм ва спорт вазирлиги тузилмасидан Университет тузилмасига ўтказиш;

г) Тошкент туризм ва сервис коллежи негизida Университетнинг Тошкент филиалини ташкил этиш;

д) Университетни Маданий мерос агентлиги ҳузуридаги Самарқанд археология институтининг илмий ва инновацион тадқиқотлар соҳасидаги ҳамда методик йўналишлардаги фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли орган этиб белгилаш;

е) "Ипак йўли" давлатлари тарихи, санъати ва цивилизацияларини тадқиқ ва намойиш этиш учун Университет ҳузурида:

"Ипак йўли" халқаро тадқиқот институти;

"Ипак йўли" музейи;
"Ипак йўли" арт-резиденцияси;
"Ипак йўли" санъат галереяси;

Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказини ташкил этиш тўғрисидаги тақлифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар:

"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университетининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;
"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича "йўл харитаси" 2-иловага мувофиқ;

"Ипак йўли" туризм ва маданий мерос халқаро университети Васийлик кенгашининг таркиби 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Белгилаб қўйилсинки:
а) Университетнинг Васийлик кенгашига:

Туризмни ривожлантириш институти, "Ипак йўли" халқаро тадқиқот институти, "Ипак йўли" музейи, "Ипак йўли" арт-резиденцияси, "Ипак йўли" санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш марказининг тузилмалари ва низомларини тасдиқлаш, шунингдек, улар бошқарув ходимларининг чекланган сонини белгилаш;

Туризмни ривожлантириш институти, "Ипак йўли" халқаро тадқиқот институти, "Ипак йўли" музейи, "Ипак йўли" арт-резиденцияси, "Ипак йўли" санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази директори лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ходимларга

уларнинг иш ҳажми ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, лавозим маошининг 200 фоизигача бўлган миқдорда қўшимча ойлик устамалар белгилаш;

Университет бош менежери ва ректорининг вазифа ҳамда функцияларини тасдиқлаш ҳуқуқи берилади;
б) ҳар йили Университетга Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Туркий тилли давлатлар Ҳамкорлик Кенгашига аъзо мамлакатлар фуқароларига магистратурада давлат гранти асосида таълим олиш учун 85 та ўрин ажратилади.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги Университетнинг хорижий профессор-ўқитувчилари ва изланувчилари учун хизмат турар жойи сифатида 20 та ўй-жой ажратиб берилишини таъминласин.

4. Туризм ва спорт вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Самарқанд вилояти ҳокимлиги бир ой муддатда:

а) Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда:

Самарқанд ветеринария медицинаси институтига қарашли, Самарқанд шаҳри, Маҳмуд Кошғарий кўчаси, 85/а-й манзилида жойлашган, ўқув жараёнида фойдаланилмаётган бинони "Ипак йўли" арт-резиденциясига;

Самарқанд вилояти ҳокимлиги қарашли, Самарқанд шаҳри, Нодирбағим кўчаси, 4а-й манзилида жойлашган ётоқхона биносини Самарқанд ветеринария медицинаси институтига;

б) Кинематография агентлиги билан биргаликда Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 1-й манзилида жойлашган собиқ кинотеатр биносини "Ипак йўли" санъат галереясига оператив бошқарув ҳуқуқи асосида бепул ўтказиб берилишини таъминласин.

Самарқанд вилояти ҳокимлиги, Туризм ва спорт вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Кинематография агентлиги бир ой муддатда мазкур бандда келтирилган бино ва иншоотларни бепул ўтказиб бериш бўйича қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилишини таъминласин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳаларидаги истиқболли мутахассислар, айниқса, педагоглар, илмий кадрлар ва реставраторларни танлаш ва уларнинг таълим олишини ташкил этиш учун "Эл-юрт умиди" жамғармасининг 2022-2026 йилларда хориждаги нуфузли таълим муассасаларида туризм, маданий мерос ва музейшунослик йўналишларида

докторантура (PhD) ва магистратурада ўқитиш дастури (кейинги ўринларда — Дастур) жорий қилинади;

Дастур доирасида мутахассисларни хорижий мамлакатларнинг нуфузли таълим ва илмий муассасаларида таълим олишга юбориш "Эл-юрт умиди" жамғармаси маблағлари ҳисобидан хорижда таълим олиш учун номзодларни танлаб олиш тартибига мувофиқ амалга оширилади;

Дастур доирасида 50 нафар иқтидорли мутахассислар, шу жумладан, уларнинг 40 нафари магистратура босқичида ва 10 нафари докторантура (PhD) босқичида ўқитилади;

Дастур доирасида хорижий таълим ва илмий муассасаларда тахсил олиб, магистратура ва докторантурани битириб қайтган мутахассисларга Туризм ва спорт вазирлигининг йўлнамаси асосида таълим муассасалари ҳамда маданий мерос ва музейшунослик соҳаларидаги ташкилотларда камида 5 йил давомида узлуксиз фаолият олиб бориш ёки хорижда таълим олиш харажатларини 12 ой давомида икки баравар миқдорда "Эл-юрт умиди" жамғармасига қайтариш мажбурияти юкланади.

6. Белгилансинки:

а) Маданий мерос техникумлари фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятидан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

б) Туризмни ривожлантириш институти фаолиятини молиялаштириш:

бинолар ва иншоотларни сақлаш харажатларини молиялаштириш, шунингдек, Институт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;

давлат илмий дастурларини амалга ошириш учун ажратилган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

Туризм ва спорт вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризм ва спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси;

илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил ишларини амалга оширишдан, шартнома асосида бажариладиган таълим ва бошқа хизматлардан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

в) "Ипак йўли" халқаро тадқиқот институти, "Ипак йўли" музейи, "Ипак йўли" арт-резиденцияси, "Ипак йўли" санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

илмий-тадқиқот, ахборот-таҳлил ишларини амалга оширишдан, шартнома асосида бажариладиган хизматлардан тушадиган маблағлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

Университетнинг бюджетдан ташқари маблағлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

г) Университетнинг Тошкент филиали фаолиятини молиялаштириш:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан тушадиган тушумлар;

жисмоний ва юридик шахсларнинг хомийлик хайриялари;

халқаро молия институтларининг грантлари;

қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

7. Туризм ва спорт вазирлиги:

Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда уч ой муддатда Университет кутубхонаси, унинг ташкилий тузилмасига кирувчи техникумлар ва коллежлар ҳамда Туризмни ривожлантириш институтининг лабораториясини замонавий ускуналар ва бутловчи қисмлар билан жиҳозлаш бўйича тақлиф ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Фанлар академияси, Инновацион ривожланиш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 мартга қадар Университет ҳузуридаги "Ипак йўли" халқаро тадқиқот институти, "Ипак йўли" музейи, "Ипак йўли" арт-резиденцияси, "Ипак йўли" санъат галереяси ҳамда Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази фаолиятини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда 2022 йил 1 майга қадар Тошкент туризм ва сервис коллежи

негизida Университетнинг Тошкент филиалини ташкил этиш бўйича қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар биргаликда Университетнинг Тошкент филиали ҳамда мазкур қарорга мувофиқ Самарқанд ветеринария медицинаси институтига берилаётган бино ва иншоотларнинг реконструкция қилиш учун Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мулжалланган Инвестиция дастурига киритилишини таъминласин.

8. Молия вазирлиги:

"Ипак йўли" халқаро тадқиқот институти, "Ипак йўли" музейи, "Ипак йўли" санъат галереяси, Реставраторларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш маркази, Университетнинг Тошкент филиали ва ташкилий тузилмасига кирувчи техникумлар ва коллежлар ҳамда Туризмни ривожлантириш институтини сақлаш харажатлари учун 2022 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида маблағ ажратилишини;

2022 йилдан 2026 йилга қадар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрларида "Эл-юрт умиди" жамғармасига Дастур доирасида нуфузли таълим ва илмий муассасаларда докторантура (PhD) ва магистратурада ўқитиш учун маблағ ажратилишини назарда тутсин.

9. Ташқи ишлар вазирлиги:

Университет профессор-ўқитувчилари, Туризмни ривожлантириш институти ходимларининг етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида малакасини ошириш ва амалиётини ташкил этишда, шунингдек, илғор хорижий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан халқаро алоқаларни ўрнатишда Туризм ва спорт вазирлигига амалий ёрдам кўрсатсин;

Туризм ва спорт вазирлигининг буюртманомасига кўра Университет, Маданий мерос техникумлари ва Туризмни ривожлантириш институтининг илмий ва ўқув жараёнида иштирок этувчи хорижий мутахассисларга, профессор-ўқитувчиларга ва илмий ходимларга кириш визалари консуллик йиғимлари ва ҳақиқий харажатларнинг

ўрнини қоплаш ҳисобидан йиғимлар ундирилмасдан белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Туризм ва спорт вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 сентябрга қадар етакчи хорижий олий таълим муассасаларининг тажрибасини ўрганиб, кадрлар буюртмачиси бўлган ташкилотларнинг тақлифларини инобатга олган ҳолда, туризм, маданий мерос ва музейшунослик соҳасидаги таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича давлат таълим стандартлари, малака талаблари, ўқув режалари ва фан дастурларини қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 1 июнга қадар Маданий мерос техникумлари ҳамда туризм ва сервис коллежларига хорижий ҳамкор ташкилотларни жалб қилиш бўйича тақлифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мазкур қарорнинг мақсад ва вазифаларини тушунтириш юзасидан оммавий ахборот воситаларида мақолалар эълон қилишини ва тематик кўрсатувлар ташкил этилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

13. Туризм ва спорт вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб туризм ва спорт вазирининг ўринбосари А.У.Аққулов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А.Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А.Абдухакимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2021 йил 30 октябрь

Ш. МИРЗИЁЕВ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

ВАШИНГТОНДА ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ НАТИЖАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БРИФИНГ ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон элчихонасидан маълум қилишларича, кеча АҚШнинг Атлантика кенгаши таҳлил маркази томонидан “Ўзбекистон салоҳиятини кашф қилиш” мавзусида онлайн-брифинг ташкил этилди.



Тадбир Ўзбекистон Президенти сайлови натижалари, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни, шунингдек, республиканинг янада очик ташқи сиёсати ва Марказий Осиёдаги минтақавий ўзгаришларга бағишланди. Унда Жаҳон банки катта иқтисодчиси Винаяк Нагараж, Питтсбург университетининг Бошқарув ва бозорлар маркази директори Женифер Муртазашвили, "Amerika ovozi" медиа-компанияси журналисти Навбахор Имомова ва "Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков иштирок этди. Атлантика кенгашининг Евроосиё маркази директори, АҚШнинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси (2000-2003 й.) Жон Хербст анжуманга модераторлик қилди.

Жаҳон банкининг катта иқтисодчиси Винаяк Нагараж сўнгги йилларда Ўзбекистонда бозор ўзгаришларига эришиш, нарх-наво сиёсатини либераллаштириш борасида сезиларли ютуқлар қўлга киритилаётганини қайд этди. — Авваллари давлат томонидан назорат қилинган 200 дан ортиқ нарх тоифаси 11 тага туширилди. Бизнесни йўлга қўйиш ва юритиш шартлари сезиларли даражада такомиллаштирилди, экспорт назорати соддалаштирилди. Бундан ташқари, виза режими эркинлаштирилди ва ковид инқирозигача бўлган даврда мамлакатга сайёҳлик оқимининг рекорд даражасига эришилди, — дея таъкидлади америкалик эксперт.

Унинг эътирофи этишicha, пандемия шароитига қарамай, давлат ислохотлар

йўлини давом эттирмоқда, ўзгаришлар секин кечаётган жабҳаларга эътибор қучайтирилди. Эксперт иқтисодиётнинг айрим тармоқларидаги жадал янгиланишлар ва вақт талаб қиладиган ўзгаришлар суръати Жаҳон банки таҳминларига мос келишини таъкидлади.

Винаяк Нагараж фикрича, Ўзбекистон иқтисодий ривожланиш мақсадларига эришиш учун монополияларни бартараф этиш ва рақобатни ошириш билан иқтисодиётда хусусий сектор улушини сезиларли даражада ошириши керак.

Ўз навбатида, Питтсбург университетининг Бошқарув ва бозорлар маркази директори Женифер Муртазашвили таъкидларига кўра, Ўзбекистон Президенти сайлови мамлакатда очиклик сиёсати муҳити мустаҳкамланаётгани, сўнгги йилларда жамоатчилик фикри сезиларли кенгайгани, матбуот ва сўз эркинлиги таъминланаётганини намоян этди.


Эксперт Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар собиқ иттифоқ маконидаги энг муҳим ва мураккаб ислохотлар сирасига киришини таъкидлади, чунки мамлакат 25 йил давомида улкан иқтисодий қийинчиликларга дуч келганди.

"Amerika ovozi" медиа-компанияси мухбири Навбахор Имомова Президент Шавкат Мирзиёевнинг халқ орасидаги обрўси жуда юксак эканини алоҳида қайд этди. Унинг фикрича, жамоатчилик сайлов жараёнида сиёсий қарашларини яширмади ва фаоллик кўрсатди.

"Тараққиёт стратегияси" маркази ижрочи директори Элдор Туляков таъкидлаганидек, Ўзбекистонда амалга

оширилаётган ислохотлар деярли барча соҳаларга таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, халқ билан очик мулоқот йўлга қўйилгани, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг халқ олдидаги масъулияти қучайтирилгани ислохотларнинг асосий ютуқлари ҳисобланади.

Қарорлар қабул қилиш жараёнига фуқаролик жамиятини фаол жалб этиш, мажбурий ва болалар меҳнатига барҳам бериш, бюрократлик тартибларни соддалаштириш ва давлат хизматлари кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, валюта бозорини либераллаштириш ва эркин бизнес юритиш учун шарт-шароитларни яхшилаш, инсон ҳуқуқлари, жумладан, сўз, ҳаракат, эътиқод эркинлигини ҳимоя қилишни қучайтириш, ташқи сиёсатнинг очиклиги, Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик муносабатлари, шериклар билан прагматик руҳдаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва бошқалар ўзгаришлар жараёнининг энг муҳим ютуқларидандир.



Бундан ташқари, таълим соҳасидаги ислохотлар, қашшоқликни қамайтириш, адлия тизими мустақиллигини мустаҳкамлаш ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш, Орол денизи билан боғлиқ экологик хавфсизлик муаммоларига ечим топиш, "яшил" иқтисодиётни ривожлантириш, инвестиция муҳитини янада яхшилаш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш, фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш, коррупцияга барҳам бериш, давлат бошқаруви тизимини оптималлаштириш ва Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш Ўзбекистоннинг келажақдаги устувор тараққиёт йўналишларидан бўлади.

Учрашувда мамлакатимизнинг минтақадаги ташқи сиёсати масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди. "Ўзбекистон Афғонистон билан фаол ҳамкорлик қилиб, зарур гуманитар ёрдам кўрсатаётган санокли давлатлар сирасига қиради. Тошкент нафақат Марказий, балки Жанубий Осиё ривожига ҳисса қўладиган транспорт интеграцияси лойиҳаларини илгари суришда давом этмоқда", дея қайд этди экспертлар.

Ўзбекистон Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, халқаро ҳамжамият эътиборини минтақавий ва глобал даражада ушбу мамлакатдаги гуманитар инқирозни ҳал этишга қаратишга алоҳида аҳамият бераётгани таъкидланди. Хусусан, брифингда сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, Тошкент БМТнинг Афғонистонга гуманитар ёрдам кўрсатаётган барча тузилмаларига мамлакат инфратузилмасидан фойдаланиш имконини тақдим этди, шунингдек, тўловларда қарздорлик юзага келганига қарамастан, электр энергияси етказиб беришда давом этмоқда.

Эслатиб ўтамик, Атлантика кенгаши (Atlantic Council) АҚШнинг 1961 йилда ташкил этилган етакчи таҳлилий марказларидан бири ҳисобланади. Кенгаш 10 та минтақавий марказ ва функционал дастурни бошқаради. Улар қаторига, жумладан, халқаро хавфсизлик, демократия ўзгаришлар ва жаҳон иқтисодиётига иктисослашган Евроосиё маркази ҳам қиради.

“Дунё” АА

Вашингтон

66

Президентимиз таъкидлаганидек, “хар бир раҳбарнинг фаолият мезони — бу халқнинг орзу-умидларини ўзи учун асосий мақсад қилиб, уларни изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборат” бўлиши зарур.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг сайловчилар билан учрашувлари давомида фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларни “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали хал қилишни дадил давом эттиришимиз талаб этилади.

ПРЕЗИДЕНТ ҚАРОРЛАРИ — ҲАЁТДА ВА НАЗОРАТДА

ИЖРО ИНТИЗОМИНИ МУСТАҲКАМЛАШ — ҲУДУДЛАРНИ КОМПЛЕКС ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ



Абдурасул АБДУЛЛАЕВ,
Оҳангарон тумани ҳоқими

Бошланиши 1-бетда

Эндиликда ҳар бир топшириқ ижроси Ўзбекистон Президентини Администратсияси, Вазирлар Маҳкамаси, Ҳисоб палатаси, Адлия вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан “**Ijro.gov.uz**” тизими орқали “**кунбай**”, қолаверса, “**соатбай**” назорат қилиб борилиши ишимизни анча енгиллаштирди.

Маъмур тизимнинг жорий этилиши вазирлик ва идораларнинг ўзлари пастга тушиб ишлашини таъминламоқда. Тизим эндиликда топшириқни олдингидек қозғоғда эмас, амалда бажаришни талаб этмоқда.

Назорат эса жойига чиққан ҳолда, “кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб кўриш” орқали амалга оширилмоқда.

Ижро интизомини мустаҳкамлашнинг ушбу тизими туманни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим урин тутмоқда.

Занжирда заиф ҳалқа бўлмаслиги керак

Албатта, қонунчилик ҳужжатларининг туман миқёсидаги ижросини ўз вақтида ва сифатли ташкил этиш тегишли корхона, ташкилот ва муассаса раҳбарлари зиммасига юксак масъулият ҳамда жавобгарлик юклайди.

Бу эса ҳар бир меҳнат жамоасида иш тақсиротини тўғри йўлга қўйиш,

вазифалар ижросини назорат қилиш ҳамда ҳисобдорликни юритиш орқали амалга оширилади. Туман раҳбари сифатида фаолиятим давомида ишни ташкил этишда ҳар доим асосий эътиборни мана шу жиҳатларга қаратишга ҳаракат қилиб келмоқдаман.

Жамоа — бу бир механизм. Унинг бир қисми, яъни битта ходим тўғри ишламаса, унга ўзининг имкониятидан кам ёки ортиқча ёҳуд унинг хизмат мажбуриятига тааллуқли бўлмаган вазифа юкландиган бўлса, бундай жамоа меҳнатидан ижобий самарадорлик кутиш ноўрин, деб ҳисоблайман. Бу ҳолатни худди занжирдаги бир ҳалқанинг бошқаларидан кўра заифроқ эканига қиёслаш мумкин. Заиф ҳалқа охири-охирида бир бутунлиқнинг йўқолишига, яъни занжирнинг узиллишига олиб келиши мумкин.

Шу мақсадда ҳудудда ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ягона ва узлуқсиз “технологик занжир”ни ташкил этиш борасида қуйидаги устувор вазифаларни белгилаб олдик:

Биринчидан — қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича ҳудудга мос равишда аниқ механизмлар, муддатлар ва масъулларни белгиланган ҳолда “**йўл хариталари**” ва **чора-тадбирлар** режасини тасдиқлаш.

Бугунги кунда туман ҳокимлигида назоратга олинган **485 та** ҳужжатдаги **1 минг 317 та** топшириқдан **833 тасининг** ижроси тўлиқ таъминланган. Қолган **484 та** топшириқ ҳар бир ходимнинг “**шахсий картотекаси**”га киритилиб, ижроси назоратга олинган;

Иккинчидан — туман ҳокимлиги, вазирлик ва идораларнинг туман бўлиналари раҳбар ва ходимларининг топшириқлар ижроси юзасидан ҳафталик, ойлик ва чораклик шахсий иш режаларини ишлаб чиқиш ва назоратини юритиш;

Учинчидан — қонунчилик ҳужжатлари ижросини мақсадли ўрганиш ва аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чоралар кўриш. Биргина мисол. Туман ҳокимлигининг жорий йил иккинчи ярим йиллик иш режасида қонунчилик ҳужжатлари ижросини **17 та мақсадли** ва **4 та комплекс** ўрганиш назарда тутилган. Йил бошидан буён бугунги кунга қадар туман



ҳудудидаги ташкилот ва муассасаларда **25 марта** мақсадли ўрганиш ўтказилиб, ўрганиш якунлари бўйича **13 нафар масъул раҳбар** ва ходимга интизомий чоралар кўрилди.

Тўртинчидан — кадрларни тўғри танлаш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш. Бу борда Вазирлар Маҳкамасининг ташаббуси билан вилоят ҳокимлигида, шунингдек, туманлар ҳокимликларида ижро интизомини мустаҳкамлаш бўйича ўтказилган амалий семинарлар ўз самарасини бермоқда.

Шунингдек, туман ҳокимлигида “иқтисодий ўқиш”лар ташкил этилиши ҳам ходимларнинг касбий маҳорати ва кўникмаларини оширишга ҳисса қўшмоқда;

Бешинчидан — ҳоким ўринбосарлари ва ташкилот раҳбарларининг шахсий масъулиятини аниқ белгилаш. Давлатимиз раҳбарининг “Маҳаллий ижроия ҳокимияти органлари раҳбарлари ўринбосарларининг уларга юкланган вазифаларни бажаришда шахсий масъулиятини қучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРП) асосида баҳолаш тартиби жорий этилаётгани, ҳар бир ҳоким ўринбосарининг раҳбар соясида юрмасдан,

ўзига юкланган аниқ вазифалар бўйича жавоб беришини талаб этади.

Қарорга мувофиқ, туман ҳокими ўринбосарлари ва ходимларнинг функционал вазифалари тақсироти мутлақо қайта кўриб чиқилиб, тасдиқланди. Халқ депутатлари туман кенгаши сессияларида туман ҳокими ўринбосарларининг ҳар чорак якуни бўйича фаолияти самарадорлик кўрсаткичларини танқидий муҳокама қилиб бориш тизими йўлга қўйилди.

Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетаси бош муҳарририга берган интервьюсида қайд этилганидек, “шахсий масъулият ва жавобгарлик барча бошқарув идоралари ходимлари учун бош мезон бўлиши” зарур.

Шу сабабли ҳам давлатимиз раҳбарининг Оҳангарон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қарори ижросини таъминлаш борасида туман ҳокимлигида “**йўл хариталари**” ва **вазифалар тақсироти** белгилаб олинган бўлиб, амалга оширилаётган чора-тадбирлар ижрочилар кесимида “**секторбай**” ва “**маҳаллабай**” асосда назорат қилиб боришмоқда.

Туман ҳокими сифатида шахсан ўзим ҳар ойда ҳар бир маҳаллага борган ҳолда, маҳалла фаоллари олдида

ушбу қарор ижроси юзасидан ҳисобот бераман.

Қонунчилик ҳужжатлари, шу жумладан, Оҳангарон туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қарор ижроси мунтазам равишда халқ депутатлари туман кенгаши сессияларида танқидий муҳокама қилиб боришмоқда. Утган давр мобайнида туман кенгашининг **17 та** сессиясида жами **30 дан ортиқ** қонунчилик ҳужжати ижроси муҳокама қилинди.

Натижаларни эса туманда биргина ижтимоий соҳадаги бунёдкорлик ишлари мисолида яққол кўриш мумкин.

Хусусан, жорий йилда қурилиш режалаштирилган **20 та** давлат мактабига таълим ташкилотидан бугунги кунга қадар **4 таси** фойдаланишга топширилган бўлса, қолган **16 тасида** ишлар якунланмоқда. Шунингдек, **18 та** оилавий боча ташкил этилди.

Ушбу ижобий ишлар натижасида 3-7 ёшдаги болаларнинг мактабга таълимга қамров даражаси ўтган йилги **28 фоиздан** бугунги кунда **53 фоизга** етказилди. Йил якуни билан эса **80 фоиздан** ошishi кўзда тутилган.

6 та мактабда қўшимча янги бинолар қуриш, **7 та** мактабда мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилган бўлса, **32 та** мактабда жорий таъмирлаш амалга оширилди.

Туман марказида **30 миллиард** сўм маблағ ҳисобидан **140** уринли марказий шифохона ва санитария-эпидемиологик маркази қурилиши якунига етказилмоқда. “**Шодмалик**”, “**Ғаллақудуқ**”, “**Қизилой**” ва “**Санам**” маҳаллаларида қишлоқ врачлик пунктлари мукаммал таъмирланиб, фаолияти қайта тикланди.

Туманнинг янги маъмурий маркази — Нуробод қўғонига замонавий қулайликларга эга бўлган Ёшлар маркази биноси барпо этилди. Бир қатор маъмурий бинолар, қўп қаватли уйлар ҳамда тижорат банклари бинолари қад ростланмоқда.

Қолаверса, сонаот, қишлоқ ҳўжалиги, коммунал ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар ҳам жадал давом эттирилмоқда.

Шубҳасиз, бундай катта ҳажмдаги бунёдкорлик ҳар бир раҳбардан ишни шахсий жавобгарлик остида тўғри ташкил этиш, тизимли назорат

рат ўрнатишни талаб этади. Йўқса, юқориди таъкидланганидек, занжирда “**заиф ҳалқа**” юзага келиб, оқибатда натижадорликка салбий таъсир кўрсатади.

Давлатимиз раҳбарининг очиклик ва шаффофлик сиёсати самарасида халқимизнинг ҳокимият вакиллари ишончи кўндан-кўн ортиб бормоқда ва улар ўзларини қийнаётган муаммоларни дадил ва баланд овозда айти бoшлади.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман ҳокимлигида жисмоний ва юридик шахслардан жами **3 минг 878 та** мурожаат қабул тушган бўлиб, уларнинг **3 минг 525 таси** ҳал этилишига эришилди.

Муаммоларни ўрганиш бўйича алоҳида тасдиқланган ҳадваларга мувофиқ, сектор раҳбарлари томонидан ҳафтада бир марта ёшлар билан, ойда уч марта тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди.

Лекин аҳоли ва тадбиркорлар муаммоларини жойида бартараф этиш борасида туман ҳокимлиги томонидан олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмаслигини ўзимиз ҳам кўриб турибмиз. Туманнинг 4 та сектори раҳбарлари мунтазам равишда сайёр қабуллар ўтказиб, аҳоли муаммоларини тезкорлик билан ва тизимли ҳал этишга алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш қўйи бугунда Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президентимиз фармон, қарор, фармойиш ва топшириқларининг ижросини тўғри йўлга қўйишнинг муҳим омилли саналади.

Яъни аниқ топшириқ, тўғри иш тақсироти, қатъий назорат ва ҳисобдорлик барча ишларимизнинг, хусусан, ҳудудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги фаолиятимизда энг асосий мезон бўлиб қолади. Буларсиз олдимизда турган долзарб вазифаларни тўлақонли бажариб бўлмайди. Вазифалар бажариб бўлмас экан, қўзланган мақсадга ҳам эришилмайди.

Президентимиз таъкидлаганидек, “хар бир раҳбарнинг фаолият мезони — бу халқнинг орзу-умидларини ўзи учун асосий мақсад қилиб, уларни изчиллик билан рўёбга чиқаришдан иборат” бўлиши зарур.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг сайловчилар билан учрашувлари давомида фуқаролар томонидан кўтарилган масалаларни “маҳаллабай” ишлаш тизими орқали хал қилишни дадил давом эттиришимиз талаб этилади.

Худудий ижро органи сифатида вазирлик ва идораларнинг қўйи тузилмалари билан биргаликда қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлар ижросини самарали ташкил этиш борасида тизимли фаолият олиб борилиши таъминланади.

БУГУННИНГ ГАПИ

ТАДБИРКОРЛИК ТАРИХИДА БЎЛМАГАН ИМКОНИЯТ

Қаҳрамон ЭРҒАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тобора муҳим урин тутмоқда. Ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшларимиз меҳнат қилиб, юрт тараққиёти, жамият ривожига ўз ҳиссаларини қўшиб келяпти.

Яқин-яқингача банк билан шартнома шартлари ўз вақтида бажарилмаётгани тадбиркорлар учун энг катта муаммо эди. Чунки хорижий энг яқин ҳамкори — банк. У мазкур молиявий муассасадан олган маблағни мақсадли ишлатса ва вақтида қайтарса, банк ишончини қозонади, келгусидаги ҳамкорлик ривожланиш мустаҳкамланади.

Президентимиз жорий йил 20 август куни тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, банклар четдан ресурсни қандай валютада жалб этишдан қатъи назар, тадбиркорларга кредитни миллий валюта — сўмда ва бизнес вакиллари учун мақбул фойзаларда бериш тизими йўлга қўйилишини таъкидлаган эди. Чунки хорижий валютада кредит олган ва бугун қийин аҳолга тушиб қолган юзлаб тадбиркорлар ушбу масала ечимини кутаётганди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари Молия вазирлиги ҳузурида Валюта хатарларини бошқариш компанияси ва ҳудудларда унинг филиалларини ташкил этиш, ушбу компания банклар томонидан чет эл валютасида жалб қилинаётган маблағларни сўмга ўтказиб, кредитни ички бозорда фақат миллий валютада

бериш учун зарур шароит яратишни билдирган эди. Бу эса бундан буён доллар ёки евро курси ошishi тадбиркор учун қўшимча муаммо ёки ортиқча харажатларни юзага келтирмайди, дегадидир. Мазкур компания барча ҳудуд ва тармоқлар билан яқин ҳамкорликда ишлайди.

Бизнес вакиллари билан очик мулоқотда жорий йил 1 октябрдан бошлаб қарийб 6 минг тадбиркорнинг илгари 1 миллион долларгача хорижий валютада олинган жами 1 миллиард долларга яқин кредитлари тижорат банклари билан келишувга асосан миллий валютага ўтказиб берилиши қайд этилганди.

Юқорида тақриф этилаётган механизмлар асосида тижорат банклариди миллий валютада ҳар йили ўртача 30-40 триллион сўм узоқ муддатли қўшимча ресурс шаклланади. Бунинг ҳисобида тадбиркорлар миллий валютадаги кредитларини узоқ муддатга ва ҳозирги ставкалардан камиди 5 фоиз арзон олиш имкониятига эга бўлади. Ўз навбатида, бундай янги имкониятлар мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожига қучли туртки беради.

Айни вақтда бу борада тизимли ишлар олиб боришмоқда. Масалан, жорий



йилнинг сентябрь-октябрь ойларида тижорат банклари томонидан валютада 1 миллион долларгача қарзи бўлган (умумий қарздорлик — 2,5 миллиард доллар) 15 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектига хорижий валютада ажратилган кредитларини миллий валютага ўтказиш бўйича тақлифлар юборилган. Бунга розилик билдирган 561 та тадбиркорлик субъектининг 123 миллион доллар кредити миллий валютага ўтказилиб, қайта расмийлаштирилди. Бу амалиёт келгусида ҳам давом этади.

Президентимизнинг жорий йил 27 октябрдаги “Тадбиркорлик субъектларининг хорижий валютадаги кредит мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ юқини камайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори тадбиркорнинг эркин фаолият юритиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш,

ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги тизимли саъй-ҳаракатларни юқори босқичга кўтариши айни ҳақиқатдир.

Ушбу ҳужжатда тадбиркорлик субъектларини узоқ муддатли кредит маблағлари билан таъминлаш, уларнинг валюта хатарларини камайтириш, ҳуқуқлари ва қўнийи манфаатларини таъминлаш борасида долзарб вазифалар белгиланган.

Қарорда Президентимизнинг жорий йил 20 август куни тадбиркорлар билан очик мулоқоти доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ҳужжатга мувофиқ, тижорат банклари томонидан тадбиркорлик субъектларининг валюта хатарларини камайтириш учун хорижий валютада 1 миллион АҚШ долларигача миқдорда ажратилган кредитлар миллий валютага ўтказиб берилаётгани, таъбир жоиз бўлса, минглаб тадбиркорларни харажатга келтирди, тўлқинлантириб юборди.

Айниқса, тижорат банкларидан хорижий валютада олинган кредитлар миллий валютага ўтказилганда компенсация тақдим этиш тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлган тадбиркорлик субъектларининг эквиваленти 1 миллион АҚШ долларидан, фойз ставкаси Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 барабаридан ошмайдиган кредитларининг асосий ставкадан ошадиган, лекин 5 фоизли пунктдан қўп бўлмаган қисми бўйича фойз харажатларини қўллаш учун Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан



компенсация тақдим этилиши илгари тарихда бўлмаган муҳим воқеалиқдир. Бунда жамғармага мазкур кредитлар бўйича амалдаги компенсациялар миқдорларини қайта ҳисоб-китоб қилиб, уларнинг умумий миқдорини мутаносиб равишда ўзгартиришга рухсат этилади.

Ҳужжатда белгиланган янгиликлардан яна бири шуки, 2021 йил 1 ноябрдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси номидаан чет эл валютасида тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш учун халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари маблағлари ҳисобидан жалб қилинган кредитлар (қарзлар) лойиҳада иштирок этувчи молия ташкилотларига 10 йилдан кам бўлмаган ёки улар жалб қилинган муддатга қайта кредитланади.

Давлатимиз раҳбарининг мазкур қарориди Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Халқаро ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги қайта кредитланадиган лойиҳалар бўйича масъул вазирлик ва идоралар билан биргаликда лойиҳалар доирасида молиялаштирилган сўб лойиҳалар, шунингдек, уларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши устидан мониторинг натижалари

ри юзасидан ҳар чорак якуни бўйича ахборотни ўз расмий веб-сайтида мунтазам эълон қилиб бориши ҳам назарда тутилган.

Албатта, бу юртимизда мулкдорлар манфаатларини ҳимоя қилиш, табиятан омилкор халқимизнинг тадбиркорлик фаолияти билан эркин ва самарали шугулланиши, кичик бизнеснинг жадал суръатда ривожланиши учун барча таъхиллий-ҳуқуқий шарт-шароитни яратишга қаратилган кенг қўламли ишлар самарасидир.

Ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки, мазкур қарор асосида хусусий секторни қўллаб-қувватлаш тизими янада қучайтирилади.

Қарорда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар, молия муассасалари билан бир қаторда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари зиммасига ҳам муайян масъулият юкланади. Шу нуқтаи назардан, биз, депутатлар, энг аввало, ушбу ҳужжат мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш, унда белгиланган чора-тадбирлар ҳамда устувор йўналишларни рўёбга чиқаришда ташаббускор бўлишимиз лозим.

АҲОЛИ БАНДЛИГИ

“

2021 йил ярим йиллиги давомида “Аёллар дафтари”га киритилган 432 нафар хотин-қизга ҳамкор ташкилотлар ва секторлар билан амалий ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 131 274 нафар хотин-қиздан 131 109 нафарининг бандлиги таъминланди. 36 394 нафар хотин-қиздан 36 308 нафари касб-хунарга ва ҳаётга руҳлантириш (мотивация бериш) бўйича ўқитилди.

ҲАМ МОДДИЙ, ҲАМ МАЪНАВИЙ КЎМАК



Хуршида САЙДИВАЛИЕВА, Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи

Эндиликда ўқув курсларини таъминлаган ҳар бир битирувчи (ёшлар, хотин-қизлар) учун касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари-га сарфланган харажатларнинг 70 фоизи, бироқ ҳар бир битирувчига 1 миллион сўмдан ортиқ бўлмаган миқдорда компенсация тўланади. Бундан ташқари, касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича нодавлат таълим ташкилотлари курсларини муваффақиятли таъминлаб, уларнинг сертификатни олган шахсларга ўз бизнесини ташкил этиш учун микрокредит ҳам ажратилади.

Аҳолини касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш дастурларида иштирок этувчи нодавлат таълим ташкилотлари электрон реестри шакллантирилиб, 2022 йил 1 январдан хорижий экспертларни жалб қилган ҳолда, халқаро стандартлар, шу жумладан, Халқаро меҳнат ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларнинг тадбиркорликка ўқитиш дастурлари асосида мамлакатимизда ҳам ягона тизим ишга туширилиши кутилмоқда.

йилда Марказий банкнинг асосий ставкасида 4 фоиз паст даражада, 2022 йилдан бошлаб эса Марказий банкнинг асосий ставкасида йўналтира бошлайди.

Шунингдек, касб-хунар таълим муассасаларининг бўш турган қисмини тадбиркорлик субъектлари-га ўқув хонаси ва ишлаб чиқариш цехи ташкил этиш учун 30 йилгача бўлган муддатга имтиёзли ижара-

Президентимизнинг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси қайта ташкил этилганлиги бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг яна бир амалий ифодаси ҳисобланади.

Шартнома кам таъминланган фуқаро ёки оиланинг ижтимоий ҳолатини фаоллаштириш орқали мақсадли уларнинг молиявий ҳолатини яхшилаш ва аста-секин ўзини ўзи таъминлашга ўттишига замин яратаяпти. У аҳолини ижтимоий ҳимоя қилувчи давлат органи ва иж-

Жамғарма қайта тузилди

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлашга



тимой ёрдамни олувчи (ва унинг оиласи) ўртасида тузиладиган, ижтимоий мослашув дастурини ҳамда тарафларнинг ўзаро мажбуриятларини қамраб олувчи ҳужжат бўлиб, унга кўра, давлат ижтимоий ёрдам олувчига пул ва моддий ёрдамни кўрсатиши, ижтимоий ёрдам олувчи эса (ва унинг оила аъзолари) бу борадаги ўз мажбуриятларини бажаришлари шарт ҳисобланади.

Биласиз, моддий ёрдам ёки кўмакнинг ҳам чегараси бор. Бунда энг муҳими, кўрсатилган қўллаб-қувватловдан унумли фойдаланиш, яъни кейинги фаолиятни ўзи давом эттира олиши учун имконият яратилишидир. Бунинг учун аёлларимизга нима керак? Албатта, билим ва кўникма зарур! Аммо барча оиланинг ҳам хотин-қизларни тадбиркорликка ўқитишга баъзида имконияти, баъзида хоҳиши бўлмайди.

Президентимизнинг 2020 йил 13 октябрдаги “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, жорий йилнинг 15 ноябридан бошлаб ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунар ва тадбиркорлик кўникмаларига ўқитишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби амалга киритилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан “Аёллар дафтари”га киритилган опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари ҳам белгилаб берилди.

қаратилган ҳаракатлар қаторида имтиёзли кредит, микрокредит, имтиёзли равишдаги ижара, давлат грантлари ва субсидиялар ажратиладигани ҳам айтиб ўтишимиз зарур.

Президентимизнинг 2021 йил 5 мартдаги “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси қайта ташкил этилганлиги бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг яна бир амалий ифодаси ҳисобланади.

Маъмур жамғарма ҳар йили АТ “Халқ банки”га 100 миллиард сўм миқдоридagi маблағни 2021

жорий этилганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 28 апрелдаги “Моддий ёрдам ва кўмакка муҳтож оилаларни, хотин-қизлар ва ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан “Аёллар дафтари”га киритилган опа-сингилларимизни қўллаб-қувватлашга доир вазифалар ҳам белгилаб берилди.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги маълумотларига кўра, 2021 йилнинг биринчи ярим йиллигида 131 109 минг нафар аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг бандлиги таъминланган. Давлат дастури ижроси юзасидан 213 548 та эҳтиёжманд оилаларнинг ишсиз аъзоларига деҳқончилик билан шуғулланиши



АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

мамлакатимизда бу амалиёт синов тариқасида тўртта ҳудудда ўтказиляпти

Бошланиши 1-бетда

— Бу тадбир 2023 йилда умумдавлат миқёсида ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш тадбирига тайёргарлик кўришининг муҳим босқичи ҳисобланади, — дейди Баҳодир БЕҒАЛОВ. — Бу жараёнда аҳолини рўйхатга олишга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий қўлланмалар, рўйхатга олиш дастури, саволнома, бирламчи маълумотларни киритиш ва қайта ишлаш бўйича ахборот тизими амалий синовдан ўтказилади. Унда қанча кўп респондент (аҳоли) иштирок этса, шунча кўп маълумот тўплаш, тадбир давомида йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш ва тузатиш имкони туғилади. Шу билан бирга, аҳоли тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва қайта ишлашга жалб қилинган ходимлар сони, улар иш ҳажмининг оптимал меъёрлари, аҳолини ҳисобга олишнинг тўлиқлиги бўйича назорат тадбирларини амалга оширишда ҳулосалар ишлаб чиқилади. Пировардида мамлакатимиз миқёсида аҳолини рўйхатга олиш бўйича 2023 йилда ўтказиладиган асосий тадбирнинг сифатли ва самарали ташкил этилиши таъминланади.

Дунёдаги ҳар бир мамлакат ўзининг аҳолиси ва унинг яшаш ҳолати бўйича ишончли маълумотга эга бўлиш мақсадида мунтазам равишда рўйхатга олиш тадбирларини ўтказиб келади. Кўпчилик давлатларда бу жараён ҳар ўн йилда амалга оширилади. Аслида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳам ана шундай муддатни мақбул деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикасининг “Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қонунига мувофиқ, юртимизда ҳам ҳар ўн йилда камда бир марта аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш белгиланган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буюн илк бор ташкил этилаётган ушбу амалиёт Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида 2023 йилда аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, 2023 йил 1–25 ноябрь кунлари ўтказилиши белгиланган. Унга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида айни пайтда тўртта ҳудудда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ишлари ўтказиляпти.



ва 1277 нафари уйма-уй юриб рўйхатга олувчи ходим ҳисобланади.

— Синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш қандай тартибда олиб борилади?

— Кечадан бошлаб Андижон вилоятининг Хўжабод, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ, Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманларида ва Хоразм вилоятининг Хива шаҳрида бу амалиёт бошланди. Тадбир қуйидаги босқичларни қамраб олган:

1-5 ноябрь кунлари — Интернет тармоғидаги махсус ахборот тизими (census.stat.uz) орқали аҳоли рўйхатга олинади. Бу жараёнда мамлакатимизда истикомат қилувчи ҳар бир фуқаро қатнашиб, ўз тақдир ва фикрларини билдиришлари мумкин. Бу, ўз навбатида, 2023 йилда ўтказиладиган асосий тадбирни сифатли ташкил этишда инобатга олинади.

6-10 ноябрь кунлари — Интернет орқали рўйхатдан ўтган респондентлар ва уларнинг уй манзиллари рўйхати шакллантирилади.

11-22 ноябрь кунлари — рўйхатга олувчилар уйма-уй юриб аҳолини рўйхатга олади.

23-25 ноябрь кунлари — ҳар бир ҳисоб участкасидаги уй-жой манзилларининг 10 фоизи танланиб, назорат кузатуви асосида қайта ўрганилади.

Агар респондент яшаб турган хонадонда (жойида) рўйхатдан ўтишни истамаса, бунинг учун унга участкада имконият яратилган. Улар томонидан тақдим этилган маълумотлар ошкор этилмайди ва махфийлиги кафолатланади.

Синов тариқасида ўтказилган тадбир якунларидан келиб чиққан ҳолда, 2022 йил 1 июнига қадар 2023 йилда ўтказиладиган аҳолини рўйхатга олиш дастури, методик қўлланмалар ва норматив ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш ҳамда маълумотларни қайта ишлаш усулларини шакллантириш юзасидан тақдирлар ишлаб чиқилади.

Икки йилдан кейин ўтказиладиган асосий тадбирда эса аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллий таркиби (барча аҳоли пунктлари бўйича), оилавий аҳоли, маълумоти, касби, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, бандлиги ва ишсизлиги, даромад манбалари каби йўналишлар бўйича батафсил маълумот тўпланади. Бу маълумотлар келгуси 10–20 йиллик ривожланишнинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун ишончли пойдевор яратди. Чунки улар ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли бандлиги, аёллар ва болалар саломатлигини яхшилаш ва оилаларга ёрдам кўрсатиш бўйича дастурларни манзилли тайёрлашида ҳолис ва аниқ ахборот манбаи вазифасини ўтайди.

Шу билан бирга, ҳолис ва шаффоф маълумотлар хорижий инвесторларни мамлакатимизга кенгроқ жалб қилишда, инвестициявий муҳитни яхшилашда, туризм салоҳиятини оширишда ҳам муҳим ўрин тутди. Буларнинг барчаси пировард натижада мамлакатимиз иқтисодиётининг юксалишига, аҳоли фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Абдурауф ҚОРЖОВОВ суҳбатлашди.

— Бу жараён пухта ҳозирликни ва иштирок этаётган ходимлардан муайян малакани талаб этадими?

— Мазкур тадбирни ўтказишнинг энг муҳим босқичларидан бири, бу — шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг хариталарини жойига чиқиб ўрганиш ва аҳоли сонига аниқлик киритган ҳолда, хонадонлар рўйхатини янгилаш ҳисобланади. Бу ишлар учун уй-жойлар рўйхатини тузувчилар (регистраторлар) фуқаролик-ҳуқуқий шаклдаги шартнома асосида вақтинча ишга жалб этилади. Шу мақсадда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилиши белгиланган шаҳар ва туманларда 175 нафар рўйхат тузувчи жойлардаги статистика, кадастр, уй-жой коммунал хизматлари кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда маҳалла органлари ходимлари орасидан танлаб олинмиб, жорий йилнинг 28-30 апрель кунлари махсус дастур асосида ўқитилди ва танланма равишда маҳаллаларга чиққан ҳолда амалий кўникмалари оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Давлат статистика қўмитаси марказий аппаратида 17 та ҳамда 14 та ҳудудий статистика бошқармасида жами 48 та штат бирлигидан иборат Рўйхатга олиш жараёнларини ташкил этиш ва ўтказиш бўлимлари ташкил этилди.

Бугунги кунга қадар қўмитамиз томонидан халқаро экспертларнинг тавсиялари асосида аҳолини рўйхатга олиш масалаларига оид 15 дан ортиқ услубий қўлланма ишлаб чиқилиб, ҳудудий комиссияларга юборилди. Тайёргарлик ишларини кенг ёритиб бориш мақсадида расмий веб-сайт (aholi.stat.uz) ишга туширилди. Унга жараёнга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, услубий қўлланмалар, наشرлар, фото ва видеолавҳалар жойлаштириб берилмоқда.

2021 йил май ойида тўрт ҳудудда уй-жойлар рўйхати тузиб, аҳоли ва хонадонлар сонига аниқлик киритилди. Шу асосида ҳудудларнинг ташкилий режалари ишлаб чиқилди ва 50 та рўйхатга олиш участкаси ташкил этилди. Тадбирни сифатли ўтказиш учун 1885 нафар шахс вақтинча шартнома асосида жалб этилган. Уларнинг 100 нафари рўйхатга олиш участкаларида ишляпти, 254 нафари инструктор, 254 нафари стационар



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНЛАРИ

ХИВАНИНГ
ЯНГИ ГИЛАМЛАРИяна жаҳон бозорларини
забт этишни бошлади

Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган Хива қадимдан миллий ҳунармандлик маҳсулотлари билан Шарқу Ғарбда маълуми машҳур бўлган. Айниқса, бу ерда тўқилган гиламлар қарвонлар қатида етти иқлимдаги давлатларга олиб борилгани, талашиб-тортишиб харид қилинганини юртқезар сайёҳлар йўлномаларида қолмиш битикларда ўқиганмиз.

Муқаддам шаҳардаги мавжуд комбинатда ишлаб чиқилаётган гиламлар замон талаби — ҳаридорларнинг дидига тўғри келмай қолгани, қолаверса, усқуналар эскиргани боис, рақобатбардошлигини йўқотди. Пировардида мазкур корхона ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди. Ислохотларнинг янги босқичида Хива гиламчилиги қайта тикланди — ўтган йили шу ерда замонавий комбинат ташкил қилинди.

Ўтган бир йил давомида “Xiva gilam kombinati” МЧЖ томонидан “Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш” лойиҳасининг дастлабки икки босқичи амалга оширилди. Корхона таъсисчиси — “Sam-Anter-Gilam” масъулияти чекланган

Комбинатнинг иккинчи босқичи эса шу йил августда иш бошлади. Президентимиз воҳалик сайловчилар билан учрашиш учун вилоятга ташрифи доирасида комбинатда бўлди. Ходимлар ва тўқувчилар билан суҳбат асносида ҳозирги ислохотлар инсон манфаати учун хизмат қилиши, қолаверса, маҳсулотни чет элга сотишдан давлатимиз фазнасига даромад тушиши ва албатта, бу яқин келажақда комбинат ўз имкониятларини янада кенгайтиришига хизмат қилиши, тайёр маҳсулотлар тури ошиши ҳақида фикрлар билдирди. Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам шу турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича мутасаддиларга топшириқ берди.



жамияти қиймати 21,5 миллион евроқойиша учун бандан 10 миллион евроқредит олди. Бундан ташқари, 132,7 миллиард сўм миқдорда инвестиция ҳам киритилди. 11,5 миллион евромаблани таъсисчининг ўзи ажратди.

Қисқа муддатда гилам комбинати замонавий кўринишга эга бўлди. Гап фақат ишлаб чиқариш ва бошқа қўшимча биноларнинг замонавий кўриниш олинганда эмас. Асосийси, цехларга энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар ва бошқа зарур усқуналар дунёнинг тараққий қилган давлатлари — Германия, Бельгия, Австрия, Швейцария, Италия, Франция ва Туркиядан келтириб ўрнатилди. Энергия тежовчи янги усқуналар маҳсулот сифатини бир неча қарра яхшилаш билан бирга, олинган даромад ҳам юқори бўлишини таъминламоқда.

— Комбинатнинг биринчи босқичи ўтган йил сентябрда ишга тушганди, — дейди “Xiva gilam kombinati” масъулияти чекланган жамияти раиси Суҳроб Ҳайдаров. — Бу билан янгидан 170 та иш ўрни яратиб, давр талабига мос ва сифати юқори гиламлар тўқишни йўлга қўйдик. Ҳозир полипропилен ип, гилам ва бошқа маҳсулотларни ҳам ўзимиз ишлаб чиқаряпмиз.

**Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон”
мухбири**

нинг янги саҳифаларини ўрганиш” мавзусидаги халқаро конференция олдидан муносиб тўхфа бўлди, деб айта оламиз. Кўп йиллик илмий изланишларим самарасида “Хоразмийлар изини излаб...” асарим чоп этилди. Унда VIII-XIII асрларда Евроосиё ҳудудида кечган сиёсий ва этник жараёнларда хоразмликларнинг ўрни ҳақида ҳикоя қилинган. Яқин кўнларда илмий тадқиқотлар маҳсули бўлган “Икки буюк саркарда: Жалолиддин Қутузгача” асарим ҳам китобхоналар қўлига етиб боради. Унда султон Жалолиддин Мангуберди ва унинг жияни, Миср султони Сайфиддин Қутузнинг мўғулларга қарши озодлик ҳаракати, Жалолиддин Мангубердидан сўнг Кичик Осиё, Яқин Шарқ ва Мисрда қолган қўшинларнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР
ТУФАЙЛИ ЮЗ ОЧАЁТГАН ТАРИХ

— Президентимиз 2020 йил 12-13 март кўнлари Хоразм вилоятига ташрифи чоғида Жалолиддин Мангуберди жасоратининг ёш авлодини миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги тарихий аҳамиятини ҳисобга олиб, бу борадаги долзарб вазифаларни белгилаб берган эди. Шунга кўра, 2020 йил 23 июль кўни Вазирилар Маҳкамасининг “Жалолиддин Мангубердининг жаҳон тарихида тутган ўрни” мавзусида халқаро конференция ўтказишга тайёргарлик кўриш тўғрисида”ги фармойиши қабул қилинди. Ўтган вақт мобайнида фармойиш ижроси бўйича қандай ишлар амалга оширилди?

— Жалолиддин Мангуберди сингари улугларимизнинг руҳини ёд этиш, уни ёшларга намуна сифатида тақдим қилиш маънавий ҳаётимизда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам бу борада давлатимиз раҳбари бошлаб берган ташаббус доирасида бир қанча янги лойиҳалар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Ўтган йили Республика Маънавият ва маърифат маркази Хоразм вилояти бўлими, Урганч давлат университети, Хоразм Маъмур академияси ҳамкорлигида “Хоразм — Марказий Осиё цивилизацияси тизимида” халқаро анжумани уюштирилди. Унда юртимиз олимлари билан бир қаторда, Португалия, Испания, АҚШ, Покистон, Малайзия каби давлатлардан бевоисита Хоразм тарихи, Жалолиддин Мангуберди ва Хоразмшоҳлар даври билан боғлиқ илмий иш қилаётган тадқиқотчилар иштирок этди. Хоразм

телевидениеси билан ҳамкорликда амалга оширилган “Буюк ипак йўли бўйлаб” лойиҳаси ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Кўрсатув Қорақалпоғистон Республикаси Кўнгирот тумани “Жаслик” маҳалласи ҳудудида жойлашган Белоули ва Аланқалъа ёдгорликларидаги қузатув-ўрганув ишлари давомида бўлиб ўтди. 2021 йил 27 октябрда эса “Жалолиддин Мангуберди тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита тузилиб, чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

— Хоразмшоҳлар тарихи билан боғлиқ ҳали юртимиз китобхоналарига маълум бўлмаган асарларни таржима ва нашр қилиш борасида хайрли ишлар бошланган. “Хоразмийлар изини излаб...” асарингиз чоп этилганидан сўнг покистонлик олим, доктор Васим Сажжад билан ҳамкорликда “Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Покистонда” асарини ҳам нашрга тайёрладингиз. Ўзбек, инглиз ва урду тилларидаги ушбу китоб ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз.

— “Султон Жалолиддин Хоразмшоҳ Покистонда” асарида буюк саркарданинг 1221-1224 йиллардаги сиёсий-ҳарбий фаолияти билан бир қаторда, Покистонда амалга оширган бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳам ҳикоя қилинади. Китобда Мангубердининг зафарли юришлари, сўнмас жасорати ҳақида юртимиз тарихчилари учун янгилик бўлган ноёб маълумотлар келтирилган. Ушбу китоб “Жалолиддин Мангуберди тарихи-

— “Жалолиддин Мангуберди изидан” экспедицияси ва ишчи гуруҳи аъзоси сифатида хориждаги илмий-маърифий марказлар билан алоқани мустаҳкамлаш ва саркарда тарихига оид маълумотларни чуқур ўрганиш мақсадида чет мамлакатларга қилган сафарингиз қутилган самарани бераптими?

— Ҳа, зиммамизга Мангуберди тарихининг янги саҳифаларини ўрганиш, шунингдек, султоннинг сўнгги кўнлари ўтган ҳудудларда тадқиқот олиб бориш, саркарданинг ҳалокати билан боғлиқ маълумотларни таҳлил қилиш ва қабри жойлашган ҳудудни аниқлаш вазифалари қўйилган эди. Жорий йил 15-18 октябр кўнлари Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Хоразм вилояти ҳокимлиги қўллаб-қувватлови билан гуруҳимиз Туркиянинг Диярбакир вилоятида иқодий изланишлар ўтказди. Ишчи гуруҳ вакиллари Диярбакир вилояти Силван ҳокимлиги мутасаддилари ҳамда Дижле университети профессорлари илқ қутиб олди. Гуруҳимиз фаолияти учун зарур барча шарт-шароитлар яратилди ва ўзимиз учун керакли бўлган жуда муҳим ва тарихий маълумотларни ўрганишга муваффақ бўлдик.

— Жалолиддин Мангуберди дафн этилган жой номаълумлигига қолмоқда...

— Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларда ҳам буюк аждодимизнинг изидан илмий экспедициялар уюштирилган. Шулардан бирига устозимиз — тарихчи, публицист Шўрат Саломов бошчилик қилган эди. У



Жалолиддин Мангубердининг сўнгги ҳарбий ҳаракатлари кечган ҳудудларда дала тадқиқотлари ўтказиб, қўллаб янги маълумотларни қўлга киритади. Бироқ у вақтда ўрта асрларда ёзилган қўллаб тарихий асарлар нашр қилинмаган эди. Ундан сўнг ўзим ҳам Туркияда сафарда бўлганимда белгиланган жойга боришга имконимиз бўлмаган эди. Навбатдаги сафаримизда Туркиянинг Дижле университетиде “Силван ва Султон Қиличарслон I” мавзусидаги халқаро симпозиумда ҳам иштирок этдик. Симпозиумда Жалолиддин Мангуберди тақдири ва ҳалокати оид илмий маърузалар, у билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Симпозиумнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Диярбакир вилояти ҳокими Мунир Каралўғли томонидан Жалолиддин Мангубердининг қабри жойлашган ҳудуд ҳақида янги манбалар топилгани ва бу манбаларга кўра, унинг қабри айнан Силванда экани маълум қилинди. Силван тумани ҳокими Мурод Ўзтўрк Жалолиддин Мангуберди мақбараси қурилиши режалаштирилганини айтди.

Жалолиддин Мангуберди ўлими тўғрисида жуда кўп асарларда маълумот берилган, бироқ аниқ жойи кўрсатилмаган. Фақатгина 1156-1256 йилларда яшаган тарихчи Сибт ибн ал-Жавзийнинг “Мират аз-замон” асарида сўнгги хоразмшоҳнинг қаерга дафн қилингани ёзилган. Ушбу асарнинг 23-жилди 312-саҳифасида бундай сўзлар бор: “Жалолиддин Мангубердининг жонига қасд этганлар Маёфорикин ҳокими Шаҳобиддин томонидан ўлимга ҳукм қилинади. Кейин Хоразмшоҳни ювдириб, қафнлаб, Маёфорикин ташқарисига дафн қилди... Бу гап татарларга (мўғулларга) етиб боради ва улар Маёфорикин томон юрадилар. Шаҳобиддин эса унинг қабрини текислаб қўйди”.

Дижле университети тарих ва адабиёт бўлими раҳбарлари Октай Бўзан ва Арафат Яз ўз маърузаларида саркарданинг дафн этилган жойи масаласида юқоридаги асарда келтирилган маълумотларни асос қилиб қўрсатмоқда.

— Сиз бошчилигингиздаги гуруҳ аъзолари ва туркиялик тадқиқотчилар Жалолиддин Мангуберди қабрининг асл жойини аниқлаш борасида қандай тўхтам ва фикрга келдингиз?

— Сафаримиз давомида Дижле университети ректори, профессор Меҳмет Каракоч бошчилигида туркиялик олимлар гуруҳи билан мулоҳазали, мунозарали қизгин мулоқот уюштирдик. Мулоқотда Дижле университети ректори Жалолиддин Мангуберди дафн қилинган жой масаласида Ўзбекистон ва Туркия олимлари илоҳи бори-ча тезроқ илмий, зарур бўлса, археологик тадқиқот ишларини бошлаши кераклигини таъкидлади. Мазкур тадқиқотларга Ўзбекистон тарафидан олимлар жалб этилса, университет уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни билдирди. Профессор Меҳмет Каракоч Силван тумани ҳокими Мурод Ўзтўрк билан Жалолиддин Мангуберди дафн қилинган жойни қўриқлаш масаласини келишиб олди. Шундан сўнг Дижле университети ректори ва Диярбакир ҳокимлиги томонидан Жалолиддин Мангуберди дафн қилинган жой топилиши ҳақида Туркия раҳбарига маълумот жўнатилиши белгилаб олинди. Биз ҳам бу турдаги маълумотларимизни тегишли тартибда раҳбариятга етказдик.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Гулиҳебра ДУРДИЕВА
суҳбатлашди.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Ўзлонпар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлғемалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 3542.

76042 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет** усқулида босилган. **Қоғоз бичими** А2. Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаххих: Насиб Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА якуни — 22:15 Топширилди — 23:15